

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 4 июль, ЧОРШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов кеча Ўзбекистонга келди. Юқори мартабали меконнинг бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

●Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳрида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Шу азиз Ватан—барчамизники!» мавзуида дўстлик форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари ва қадриятларини ифода этувчи миллий либослар, таомлар, хунармандчилик, қандолатчилик, дурадгорлик ва тикувчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил қилинди.

●Паркент туманида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг «Жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг ўрни» мавзуида ўтказган анжумани Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни тарғиботи ва Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади.

●Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг бу борадаги тегишли қарори асосида уй меҳнати билан шуғулланувчилар учун бу йил Олмаликдаги «Аммофос» ОАЖ ҳисобидан 76 та иш ўринлари ташкил этилади. Йил дастурига кўра ҳозиргача 30 киши иш билан таъминланди.

●Наманган шаҳрида қисқа муддат ичида эски меҳмонхона негизига «Saydapa» халқаро тиббиёт маркази куриб битказилди. Ушбу замонавий даволаш-диагностика муассасаси энг янги техника воситалари билан жиҳозланган бўлиб, поликлиника, стационар ҳамда операция блокони ўз ичига олади.

●Тошкентда 16-18 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги шахмат бўйича Осиё чемпионати беллашувлари қизгин паллага кирди. Унда 100 дан зиёд спортчи совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

●Дўстлик туманидаги Наврўз қишлоғида 360 нафар ўқувчига мўлжалланган иқтисодиёт йўналишидаги касб-хунар коллежи бунёд этилмоқда. Умумий лойиҳа қиймати 1 миллиард 478 миллион сўмга тенг бўлган қурилишда тиклаш ишлари деярли ниҳоясига етказилди. 2 сентябрдан эса замонавий коллеж бизнесининг кенг, ёруғ ва шинам хоналарида дастлабки ўқув машғулоти бошланади.

●Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги «Метин-Малик» хусусий корхонасида «Оби Ваҳшиёр» маданий сувини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага ўрнатилган замонавий технологик линия бир соатда 2 минг литр булоқ сувини қадоқлаш қувватига эга.

ЖАҲОНДА

●Россия ва АҚШ Эроннинг ядровий дастури бўйича барча ишларни биргаликда муҳокама қилишга келишиб олдилар.

●Кеча бундан уч ой муқаддам Ғазо секторига «Ислам армияси» жангарилари томонидан ўғирлаб кетилган ВВС ахборот агентлиги журналисти Алан Жонстон озод қилинди.

●Режалаштирилган ва фош қилинган бир неча террорчилик ҳаракатлари туфайли Буюк Британияда хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Жумладан, кеча Лондондаги «Хитроу» аэропортида ҳам шубҳали тўрва топилганлиги сабабли аэропорт ходимлари тўлалигича эвакуация қилинди.

●Кеча Покистон полицияси ва Исломободдаги мадраса талабалари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Тўқнашувлар натижасида бир неча киши ҳаётдан кўз юмди, 40 киши яраланди. Талабалар бир неча бинони, дўконларни вайрон қилдилар, ён-атрофдаги автомобилларни ёқиб юбордилар.

●Буюк Британиянинг янги Бош вазири Гордон Браун кеча парламент депутатлари олдида чиқиш қилиб, мамлакатда Конституциявий ислохотларни амалга ошириш юзасидан ўз таклифларни билдирди.

●Мексикада икки нафар қуролланган шахс мамлакатнинг Атизапан шаҳрида сайёҳларни олиб юрвучи вертолётни ўғирлади. Босқинчилар учувчига қурол ўқталиб, узоқ ҳудудга олиб боришни айтганлар. Ҳозирда ушбу жиноятчилар полиция томонидан қидирилмоқда.

●Яман пойтахтида хорижлик сайёҳларга қаратилган террорчилик ҳаракати содир этилди. Уштирилган кучли портлаш оқибатида 8 киши ҳаётдан кўз юмган бўлиб улардан 5 нафари Испания фуқароларидир.

●Австралия мутахассислари яратган ёнгли ҳозирда ишлатилаётган энг тоза ёнгли сифатида баҳоланмоқда. Унинг таркиби этил спирти ва дизел ёнлигисидан иборат бўлиб, дизохол номли янги ёнгли атмосфера 20 фоизга кам ифлослантирар экан.

●Францияда ўтказилган кимовши савдосида император Наполеонга тегишли бўлган олтин билан безатилган қилич 6 миллион 400 долларга сотилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу булоқ императорнинг шахсий коллекциясидаги энг сўнги қилич эди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАМКОРЛАРИ ТОБОРА КЎПАЙМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 3 ИЮЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ АҲМАД МУҲАММАД АЛИ РАҲБАРЛИГИДАГИ АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ КАБУЛ ҚИЛДИ.

— Биз араб дунёси молиявий ташкилотлари билан ҳамкорликни юксак қадраймиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ушбу нуфузли делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ва унинг доирасида ўтаётган мажлис кўп томонлама манфаатли натижалар билан яқунланишига ва эришилган келишувлар истикболда катта самаралар беришига ишонамиз.

Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси ва Абу-Даби Тараққиёт жамғармасини бирлаштирувчи Араб мувофиқлаштириш гуруҳи қатор мамлакатлардаги турли устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун шу кунгача жами 75 миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя ажратган. Шундан Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбойжон ҳиссасига бир миллиард доллар тўғри келади. Бу миқдорни ошириш учун имкониятлар катта. Гуруҳ делегацияси Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларидаги лойиҳаларни кўриб чиқиб, амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган. Гуруҳ эътиборига жами 26 лойиҳа тақдим қилиниши мўлжалланган.

Мазкур тузилмалар орасида Ислом тараққиёт банки (ИТБ) ва Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон билан айналолган. ИТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2003 йилда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида Ўзбекистон мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди.

Бу Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Абу-Даби Амирлиги ва ОПЕК жамғармалари вакилларининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифидир. Бу мамлакатимизнинг молиявий шериклари сони ортаётганидан ва айни пайтда араб дунёсида Ўзбекистон билан иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш ошиб бораётганидан далолатдир.

Делегацияга Ўзбекистоннинг яна бир муҳим ҳамкори — Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти Ликун Жин ҳамроҳлик қилётгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Оқсаройдаги учрашувда меҳмонлар Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларга юксак баҳо бердилар. Самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Сўхбат чоғида мазкур тузилмалар билан ҳамкорликда қўша лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА 3 ИЮЛЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК, ИДОРА ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА МАЖЛИС БЎЛИБ ЎТДИ.

АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ МАЖЛИСИ

Унда Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари — Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси, Абу-Даби Тараққиёт жамғармаси ва Осиё тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг қўламли ва изчил ислохотлар халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Зеро, нуфузли молия муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

Юртимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилган. Анжуманда меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришларга юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ва ИТБ икки томонлама ҳамкорлик борабариди, минтақа миқёсида кўп томонлама асосда ҳам мустақам алоқани йўлга қўйган. Бу борада Афғонистонда коммуникация тармоқларини барпо этиш, таъмирлаш ва ривожлантиришга қаратилган халқаро лойиҳа — Трансафғон йўли доирасидаги ҳамкорликни қайд этиш мумкин.

Мамлакатимизнинг фаол ҳамкорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 1996 йилдан буюн иқтисодиётимизнинг кўплаб соҳаларига сармоя киритиш орқали юртимизда амалга оширилаётган

изчил иқтисодий ислохотларни кўллаб-қувватлаб келмоқда. Осиё тараққиёт банки 2006 йилнинг март ойда Ўзбекистон учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси ва дастурини тасдиқлаган. Алоқалар тобора фаоллашмоқда.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръати ва экспорт ҳажми жуда юқори, — деди Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти Ликун Жин. — Мамлакатимизда юриштирилган оқилона иқтисодий сиёсат бераётган самара келажда янада юксалишига ишонаман.

Президент Ислам Каримовнинг 2004 йилда Кувайтга ташрифи асосида Ўзбекистон билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган эди. Ушунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди.

(Давоми 2-бетда)

ришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта дарслик, кучли тарбия воситасидир.

Тадбирда ана шу рамзларнинг, жумладан, давлатимиз герби мазмун-моҳиятини, аҳамиятини тўла англаб етиш, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш авлод онгиди уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Бунда кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари изчиллигига эришиш катта самара беради.

(ЎЗА)



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 127 (10.936) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАВЖУД 85 ТА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ВА 31 ТА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙНИ БУ ЙИЛ 29431 НАФАР ЁШ ТАМОМЛАМОҚДА. КЕЧА МАЗКУР ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИДА БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИШ МАРОСИМЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

УНУТИЛМАС ПАХЗАЛАР

—Жорий йилда коллежимизни ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, ҳуқуқшунослик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти мутахассисликлари бўйича 604 нафар йигит-қиз битирди, — дейди 2-Тошкент юридик коллежи директори, юридик фанлари номзоди Абдумухтор Хасанов. —Кувонарлиси, ўқини аъло баҳолар ва намунали хулқ билан битираётган 43 нафар йигит-қизга имтиёзли диплом топширилди.

—Ушбу даргоҳда тахсил олганимдан беҳад бахтиёрман, — дейди коллеж битирувчиси Хуршида Зупарова. — Ҳуқуқшунослик бўлимида аъло баҳоларга ўқиш билан биргаликда жамо-

ат ишларида ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилдим. Мамлакат миқёсида ўтказилган «Энг иқтидорли ёш истеъмоли—2007» Республика кўриктанловида муваффақиятли қатнашиб, голибликни қўлга киритдим. Ниятим коллежда олган билимларимни янада бойитиб, келгусида Тошкент Давлат юридик институтида ўқини давом эттиришдир. Уйлайманки, бу орзуимнинг ушалишида коллежда устозларимдан ўрганганларим асос бўлади.

СУРАТДА: Тошкент юридик коллежида бўлиб ўтган диплом топшириш тантаналаридан лавҳа. Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Қисқа сатрларда

●БУГУН «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги Беруний маҳалласида ёшларнинг таниқли санъаткорлар билан ўтказилган ижодий учрашуви «Камолот» ЁИХ ва талабалар шаҳарчаси бошланғич ташкилоти ҳамкорликларида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Биз билан бирга» мавзуида уюштирилди.

●КЕЧА Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида тиббиёт соҳасини ривожлантиришда замонавий технологияларнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган анжуманда Исроил давлатидан ташриф буюрган шифокорлар ҳам иштирок этишди.

●КЕЧА Республика Болалар кутубхонасида кутубхоначилар иштирокида уюштирилган тадбир ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

●КЕЧА Тошкент Ахборот тех-

нологиялари касб-хунар коллежида битирувчи босқич ўқувчиларига дипломлар топширилди.

●КЕЧА Чилонзор туманидаги «Бўстон», «Шарқ» маҳаллаларида ўсмир ёшлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

●ЎТГАН кун Сергейи туманидаги «Ёшлик» спорт мажмуасида 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида уюштирилган «Футболимиз келажаги» турнирининг туман босқичи мусобақалари бўлиб ўтди.

●БЕКТЕМИР туманида этил спирти тайёрлашга ихтисослашган янги корхона фаолият бошлади.

●ЎТГАН кун Ўзбек-япон марказида ўтказилган тадбирда атторлик воситалари савдосини янада яхшилаш чоралари муҳокама қилинди.

●АЙНИ кунларда шаҳримизда давом этаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» доирасида Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан тадбир ўтказилди.

ТОШКЕНТ СОЛИҚ КОЛЛЕЖИДА 2 ИЮЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ КАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, солиқ органлари вакиллари, мазкур коллеж

АСРИЙ ОРЗУЛАР РҮЁБИ

ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербида халқимизнинг энг буюк нъмат — истиклолга эришишдек асрий орзу-умидларининг рўёби, бой тарихи, бугуни ва порлоқ келажаги мужассамдир.

Бугун юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг барча соҳаларда қўлга киритаётган улкан ютуқ ва ғалабалари туфай-

ли миллий байроғимиз халқаро майдонларда янада баланд кўтарилиб, дунёга айтар ўз сўзимиз — мадҳиямиз баралла янграмоқда. Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган орден-медаллар халқимизнинг фидойи фарзандлари кўксига бемисл фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, миллий тимсол ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалти-

ришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта дарслик, кучли тарбия воситасидир.

Тадбирда ана шу рамзларнинг, жумладан, давлатимиз герби мазмун-моҳиятини, аҳамиятини тўла англаб етиш, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш авлод онгиди уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Бунда кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари изчиллигига эришиш катта самара беради.

(ЎЗА)

АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аслида мазкур жамғарма билан ҳамкорлик анча олдин йўлга қўйилган. Хусусан, 1997 йилда жамғарма Нукус ва Урганч шаҳарларини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш учун қарийб 20 миллион АҚШ доллари миқдорига маблаг ажратган. 2005 йилда Тўқимачи — Ангрэн темир йўлини электрлаштириш лойиҳасини молиялаштиришга қаратилган 20 миллион долларлик, 2006 йилда эса уздан зиёд туман тез тиббий ёрдам марказини тиклаш ва жиҳозлаш лойиҳаси учун 20,75 миллион долларлик ҳужжатлар имзоланган.

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директорининг ўринбосари Ҳисом ал-Вақоян мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда эришган ютуқларга юксак баҳо берад экан, ўзи вакил бўлган жамғарма Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Саудия тараққиёт жамғармаси ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этиб келади. Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) Халқаро тараққиёт жамғармаси эса ташкилотга аъзо ва ривожланаётган мамлакатлар билан нефть саноати соҳасида ҳамкорлик қилади. Абу-Даби тараққиёт жамғармасининг фаолияти йўллар, ҳаво ва

денгиз бандаргоҳлари, электр таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги, алоқа, турар-жой бинолари қурилиши, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, саноат ва сайёҳликни ривожлантириш каби кўплаб соҳаларга қаратилган.

Мазкур нуфузли халқаро молия ташкилотларининг Ўзбекистонга эътибори кучайгани мамлакатимизга хориз сармоясини жалб қилиш имкониятларини янада оширади ва ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун замин яратилади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Соғлиқни сақлаш ва Иқтисодиёт вазирликлари, "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниялари ҳамда "Ўзкоммунхизмат" агентлиги томонидан ушбу соҳаларга оид жами 26 лойиҳа тақдим этилди. Умумтаълим мактабларини қуриш ҳамда уларни замонавий ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, Жиззах ва Сирдарё ирригация ва дренаж тармоқларини тиклаш, Хоразм вилоятида магистрал коллекторларни реабилитация қилиш, шунингдек, айрим тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш билан боғлиқ лойиҳалар шулар жумласидандир.

Томонлар ташкилот ҳўжалиги ва агро-саноат, таълим, соғлиқни сақлаш, ком-

мунал хизмат, кимё ва металлургия саноати, энергетика, қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга доир соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан атрафлича фикр алмашди. Лойиҳаларни ижро этиш жараёнини мувофиқлаштириш учун қўшма ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди.

Анжуман якунида мамлакатимизнинг тегишли вазирлик, идора ва компаниялари билан Араб мувофиқлаштириш гуруҳига аъзо муассасалар ўртасидаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу кунги Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегацияси аъзолари пойтахтимизда янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирдилар. Меҳмонлар бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалдаги ифодаси эканлиги таъкидланди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон му-

сулмонлари идорасининг кутубхонасида муқаддас Куръоннинг ноёб кўлэмаси — Усмон Куръони номи билан машхур китобни кўздан кечирдилар.

— Президент Ислам Каримовнинг миллий қадриятларни тиклаш ва ўзбек халқининг буюк аждодлари қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларга шахсан ўзи бош-қош бўлаётгани бизни беҳад мамнун этди, — деди Ислам тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али. — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистоннинг ислом қадриятларини тиклаш ва ислом маданиятини ривожлантириш борасидаги юксак хизматларининг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

Биз ташрифимиз асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлигимизнинг бугунги аҳволи, ва истиқболлари юзасидан атрафлича фикр алмашдик. Айни пайтда Араб мувофиқлаштириш гуруҳи мажлисининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда ўсиб бораётган обрў-эътиборининг яна бир эътирофи эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўтказилган музокара, имзоланган ҳужжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаатли натижалар беришига ва ҳамкорлигимизнинг янада мустақамланишига ишончимиз комил.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА,
Ўза мухбирлари

Иқтисодиёт МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИРЛИгини ТАЪМИНЛАШДА УНИНГ СИФАТИ ВА ҚАДОҚЛАНИШИГА, ЎРАЛИШИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР МУҲИМ АҲАМИЯ ЭГА. ШУНИНГДЕК БОЗОР ВА ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДА ИШ ЮРИТИШ МУВАФАҚАТИЛГА ГАРОВ БЎЛАДИ.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «INA KON SHARQ» хусусий корхонаси тadbirkори ҳам талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ички бр-ни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан минлашга интилоқда. Корхонада маҳаллиом ашё—табий чармдан эркаклар, аёллар ва налар кийим-кечақлари тайёрланади, «Чу», «Олой», «Чилонзор» буюм бозорларидаги ома дўконларида харидорларга сотиломда ва шнг баробарида рақобатбардош товарлар Қозоғон ва Россия давлатларига ҳам экспорт қилинда.

—Бозорни ўрганишга алоҳида эътибор эа-тиб, маҳсулотларимиз турларини кўпайтирб-ораяпмиз,—дейти модельер уста Абдуносор ду-рахмонов.—Бунинг учун мустахассисимиз ку-кяда малака ошириб келишим. Бугунги кунке-ли маҳсулотларимиз тури 50 дан ортиб ди. Йил охиригача эса яна 8-10 та янги модлар яратиш устида иш олиб бораяпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтгансқа давр мобайнида корхона цехлари кенгайтиринг тикув дастгоҳлари келтирилди, ишчилар сафам ортиди. Tadbirkorлар терини ошладан тиб маҳсулот тайёрлашга бўлган жараёнларсифатга эътибор қаратар экан, бу борада ўра замонавий хориз линиялари қўл келмоқдалар хозирда Хитой давлатидан терини қайта иай-диган яна бир дастгоҳ келтиришни режал-тур-ишибди. Бу, албатта корхона ривож иваж-порт ҳажми ортишида муҳим аҳамият касб иди.

СИФАТГА ЭЪТИБО

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНГАН ГУЛЧЕҲРА МАННОПОВАЛ ДАСТУРХОНАГА СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЙЎЛИ ИЗЛАНМОҚДА.

Хусусий тadbirkор ўзининг кичик ҳехидана-фар кишини иш билан таъминлаб, хозир 10 турдаги булочка ва печенье маҳсулотлари, иза-ли пиццалар тайёрламоқда.

—Маҳсулотларимизни маҳаллий хом ашёлдан самарали фойдаланган ҳолда Россия печида тайёрлаяпмиз,—дейти хусусий тadbirkор Гле-хра Маннопова. — Буюртмаларимиз кундан-нга кўпайиб бормоқда. Асосан мактаб ва лицез-нинг буюртмаларини тез ва сифатли адоғиб, ўғил-қизларимизнинг соғлиқларини муста-ам-лашда ўз маҳсулотларимиз билан ҳисса қўя-п-миз.

Келгусида эса тadbirkor аёл цехни кенйти-риб, хусусий фирма ташкил этиш, янада мали булочка ва ширинликлар тайёрлашни режаш-тирмоқда. Хотин-қизларни иш билан таъмлаш ҳам асосий мақсадлар ҳисобланадир.

Шарофат БАҲРОЙВА

МУСТАҲКАМ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ҚУВУРЛАР ЗАВОДИ» ЎЗБЕКИСТОН –РОССИЯ—АҚШ ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЛМИШ ВОДОПРОВОД ҚУВУРЛАРИ ҲАМДА МАҲСУ БУЮРТМА АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИГАН ТУРЛИ ДИАМЕТРДАГИ ҚУВУРЛАР СИФАТЛИ ИШЛАТИШДА ҚўЛАЙЛИГИ ҲАМДА УЗО ВАҚТ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛАН АЖРАЛ ТУРАДИ.

Мазкур қўшма корхона тadbirkorлари зор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб-қ-к ҳолда ички бозоримизни чуқур ўрганис-сидан янги цех ташкил этишди, бу ерда 50 фар хотин-қизлар учун янги иш жойлари яради. Замонавий, хорижий, юксак самарали даст, ва ускуналар шарофати билан янги маҳсулот—зи-на қопламали қўлқоплар ишлаб чиқариш лга қўйилди. Харидоригр ҳисобланган маҳсус қоп-лар мазкур дастгоҳлар тўла қувватда иш-ил-ганда йилига 200-250 минг жуфт тона тайёрна-ди.

Замон билан ҳамнафас кадам ташлаётга ор-хона жамоаси ғайрат билан меҳнат қилгса, янги режалар тузмоқда. Улар айна кунлар иш олиб борилаётган лойиҳалар асосида жорийил охиригача кўплаб фуқароларга иш ўринларра-тилади ва маҳсулот турлари ортади.

НАҲИС ҲАМДА БЕТАКРОР

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ ДЎРДОНАЛАРИ ОРАСИДА ЁҒОЧ ЎЙМАКРОРЛИГИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАД. ЁШ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ ШУ СОҲАД УМУМЛИ ИЖОД ҚИЛАЁТГАН УСТА ШЕРД ҲАКИМОВНИНГ МЕҲНАТЛАРИ ИБРАТЛИДИР.

Илдизи неча-неча асрларга бориб тақавчи, бир-бирини такрорламайдиган, шарқ жилини кўз-кўз қилиб турувчи нақшлар билан бегаан маҳобатли, муҳташам бинолар, совгабоп ом-лар хунарманд усталарнинг устозлари ўлмме-росини асраб-авайлаши, уни ривожлантири б-ришидан ёрқин далолат.

Шерзод бугунги кунга келиб кўплаб кўрган-лов, ярмаркаларда иждодий маҳсулотлари— ва икки табақали эшиклар, столча, лавах, курсан-дик, кутилар каби санъат даражасига етказган ноёб буюмлари билан катнашиб, эл назаринг-ди. Иждодий исланаётган хунарманд ҳозирНиз-зомий номидаги Тошкент Давлат педагогикни-верситетининг бадиий графика факулети сиртки бўлимини тугатиб, кўплаб шоғирдрга устозлик қилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛОВА

Такдимот

«БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА ШАРҲ

лойиҳаси доирасида,Моно-полиядан чиқариш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, Япония Адлия вазирлиги қошидаги Тадқиқот, малака ошириш ин-ститутини халқаро ҳамкорлик департаменти ҳамкорлигида яратилди.

Тadbirkor кириш сўзи билан очган Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Нурмат Ахмонов таъкидлаганидек, кейинги йилларда кунчиқар давлат билан алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Бу алоқалар нафақат савдо, иқтисодий, балки интеллектуал мулк бора-сида ҳам янги босқичга кирганлиги барчамизни

қувонтиради. Шу нуқтаи назардан йиғилганлар Монополиядан чиқариш рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси юридик бўлими бошлиғи Мурот Азимов, Япониянинг Осака университети профес-сори Т.Икеда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-ри ўринбосари Собир Хол-боев, юридик фанлари номзоди, доцент Ф.Отано-новларнинг мазкур мавзу доирасидаги маърузала-рига алоҳида эътибор қаратишди.

Умумэтирофга кўра, «Банкротлик тўғрисида»ги қонун маҳсус меъёрий ҳуж-жат ҳисобланиб, фақатги-на корхона ночор аҳволда

Хумоюн АЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА ШАРҲНИНГ РУС ТИЛИДАГИ НАШРИ ЧОП ЭТИЛДИ. 607 САҲИФАДАН ИБОРАТ МАЗКУР ҚЎЛЛАНМА МАМЛАКАТИМИЗДА «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН МОДДАЛАРИГА БЕРИЛГАН ИЛК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАЛҚИН ЭКАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.

Шу муносабат билан Миллий матбуот маркази-да оммавий ахборот воси-талари ходимлари учун матбуот анжумани ўтқа-зилди.

Айтиш жоизки, мазкур нашр Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий ҳўжалик суди ва Япония халқаро ҳамкор-лик агентлиги (JICA)нинг

Анжуманлар

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲАМЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГ ИНСТИТУТИДА «АДВОКАТУРА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Давра суҳбатида Қонунчилик палата-си депутатлари ва Сенат аъзолари, ва-зирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатлар, шунингдек, юри-дик таълим муассасалари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари ва оммавий ахборот воси-талари ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жами-ятининг муҳим институти бўлиши адво-катурани ривожлантириш масалалари мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида босқичма-босқич равишда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида жами-ятни демократлаштириш ва янгилаш, мам-лакатни модернизация ва энгил қилиш-да муҳим аҳамият касб этади. Мустақил-

лик йилларида адвокатурани ривожлан-тириш, унинг жамият ҳаётида тугтан айблов ҳимоянинг амалда тенглигини таъ-минлаш учун зарур бўлган ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Давра суҳбатини ўтказишдан кўзлан-ган мақсад жорий йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳуж-жатлари мониторинги институти томон-дан ўтказилган адвокатура фаолиятига оид қонунлар мониторинги натижаларини атрафлича муҳокама қилиш, ушбу қонунларни амалиётда қўллаш давоми-да мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ва тавсияларни ишлаб чи-қиш эди.

Давра суҳбати иштирокчиларига Ин-ститут томонидан Ўзбекистон адвокатла-ри Ассоциацияси аъзолари, Тошкент ша-ҳри ва Қашқадарё вилояти адвокатлари, судьялар, адлия органлари вакиллари ва фуқаролардан иборат 718 нафар респон-дентлар ўртасида ўтказилган анкета сўрови натижалари, ўтказилган суҳбат-лар натижасида олинган фикр-мулоҳаза-лар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Кон-ституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бо-шқа давлат органлари, нодавлат ноти-

жорат ташкилотлар, юридик таълим ва илмий тадқиқот муассасаларидан адво-катурага оид қонунчиликни такомиллаш-тириш бўйича олинган тақлифлар, шу-нингдек, статистика маълумотларининг таҳлили ҳусусида кенг маълумотлар бер-илди.

Анжуманда сўз олган Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ҳузуридаги Ама-лдаги қонун ҳужжатлари мониторинги ин-ститут директори И.Абдуллаев, шу инсти-тутнинг бош илмий ходими С.Найимов-лар ўтказилган мониторинг натижалари ҳақида, шунингдек, мунозараларда Тош-кент шаҳар Адвокатлар ассоциацияси ра-иси Г.Ишонхонова, Адлия вазирлиги хо-дими И.Юсулжонов, юридик фанлари номзоди Г.Маткаримова ва бошқалар жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш ва рўёбоғ чиқаришда, фуқаролик жамиятини барпо этишда ад-вокатуранинг ўрни ва роли ҳақида ҳамда ўтказилган мониторинг натижаларининг тизимли таҳлили, ушбу соҳадаги қонун-ларни қўллашдаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Давра суҳбати иштирокчилари томо-нидан адвокатурага доир қонунлар ва уларни амалда таъбиқ этишнинг ташки-лий-ҳуқуқий механизмларини такомил-лаштириш бўйича ишлаб чиқилган ил-мий-амалий тавсиялар қабул қилинди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

КУТУБХОНА — МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

— КУТУБХОНАМИЗ АЪЗОЛАРИ СОНИ АЙНИ КУНЛАРДА ЕТТИ МИНГДАН ОШИБ КЕТГАН, — ДЕЙДИ АЛИШЕР НАВОИЙ КУТУБХОНАСИНИНГ КИТОБХОНЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ БЎЛИМИ МУДИРИ ШАВКАТ АЛИМОВ. — САКСОН ЎРИНГА ЭГА ЗАЛИМИЗДА БИР КУНЛИК КИТОБХОНЛАР ҚАТНОВИ ЎРТАЧА 200 НАФАРДАН ИБОРАТ. АГАРДА ЙИЛ ДАВОМИДА ҲИСОБЛАСАК, БУ КЎРСАТКИЧ БИР МИЛЛИОНГА ЕТАДИ. ЭНГ ҚУВОНАРЛИСИ УЛАРНИНГ 80-90 ФОИЗИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТАЙТИР. ДЕМАККИ, ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД ОНГИДА, ТАФАКУРИДА КУТУБХОНАЛАРГА БЎЛГАН МУҲАББАТ, КИТОБЛАРГА ҚИЗИҚИШ ВА МЕҲР ТУЙҒУСИ БИР ДАМ СУСАЙГАНИ ЙЎҚ.

Айни пайтда аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёгини қондиришда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисининг ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори дасту-риламал бўлиб хизмат қилаёттир. Бу эътибор ишлар қўла-мини янада кенгайтириш имконини берди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхо-наси ушбу қарор юзасидан салмоқли ишларни амалга ошир-ди. Хозирда мазкур зиё маскани 10 миллиондан зиёд китоб фондига эга. Ундаги ноёб ва нодир нашрлар фонди 250

мингдан зиёд бўлиб, 15 мингдан кўпроги бебаҳо китоб ва кўлэмалардир. Жумладан, 594 томлик Туркистон тўплами Марказий Осейнинг 1868 йилдан 1917 йилгача бўлган та-рихи ҳақида маълумот берувчи ягона манба ҳисобланади.

Кутубхона тарихи узок ўтмишга эга. Дастлаб, икки минг икки юзта китоб билан иш бошлаган кутубхона истиклолга-ка жуда қийин даврини бошдан кечирди. Ўртбосимиз таш-аббуси билан 2002 йили кутубхонага буюк бобомиз Алиш-ер Навоий номи берилди ва Ўзбекистон Миллий кутубхо-наси сифатида қайта ташкил этилди. Уни янги биногога қўчи-рилиши ва китоб фондининг боийиши давлатимиз раҳбари-нинг ёш авлоди буюк ва баркамол этиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган кутубхоналарга кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрликнинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар замирида кутубхоналаримизни жаҳон андозала-ри даражасида жиҳозлаш, малакали мутахассислар билан таъминлаш каби кўплаб масалалар ҳам ўз ифодасини топа-ган. Турли таълим муассасалари ўқувчиларини мунтазам ва мустақил равишда таълим олишга қўмаклашиш, баркамол авлоднинг иждодий ўсиши учун имконият яратиб бериш ҳамда аҳолининг барча соҳадаги қизиқишларини замонавий ахбо-рот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш бу борадаги асосий йўналишлардан саналади.

Мустақиллик шарофати билан юздан зиёд хорижий дав-латлар кутубхоналари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйил-ди. Эндиликда, кутубхонадан чет эл газета ва журналлари-ни ҳам топишингиз мумкин. Хозирда китобхоналарга қўлай-лик яратиш мақсадида китобларни электрон каталогини яра-тиш устида қизгин иш олиб бориломоқда. Айни пайтда ўн икки мингдан зиёд китоб компьютерлар хотирасига жой-лаштирилди. Энди китобхон ўзи хоҳлаган жойда, истаган китоб ёки нашрини электрон вариантда ўқиш имконига эга. Бу унинг вақтини тежаш билан бирга кутубхона ишини ҳам энгиллаштиради.

— Мен кўп вақтимни компьютер олдида ўтказаман, чунки фирмада ишлайман, — дейди китобхоналардан бири Сардор Абдуллаев. — Хар кун кутубхонага боришга имконини йўқ. Хозирда кутубхоналарни ягона тизим асосида бирлаш-тириш борасида қилинаётган ишлар мени қувонтирмоқда. Бу нафақат пойтахтликлар, балки республикамизнинг узок туманларида истиқомат қилаётган талаба-ёшлар учун ҳам бирдай фойдалидир. Энди улар интернет орқали хоҳлаган китобларини олиб ўқиш имконига эга бўлишди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интел-лектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган кенг кўла-ми ислохотлар амалга оширилаётгани бежиз эмас. Келаж-гаги буюк юртга хар томонлама етуқ, маънавияти юксак ёшлар-гина эгаллик қила олади.

Раҳсона ТОШПҲАТОВА,
«Туркистон-пресс»

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ХАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бу жараёнга нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат ташкилотлар ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳам оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни соғломлаштириш тиббий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу мақсадда юқоридаги жамғарма томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастур бўйича жамғарма «Фриденсдорф интернейшнл» (ГФР) халқаро ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2002 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Германиянинг «Фриденсдорф ин-

тернейшнл» халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан узоқ муддатга мўлжалланган уч томонлама ҳамкорлик шартномасига имзо чекилган эди.

—Айтиш жоизки, Германиянинг мазкур халқаро ташкилоти 1967 йилда ташкил топган бўлиб, дунёдаги 25 дан ортиқ давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади,— дейди «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари Махбуба Маҳкамбоева. — Ҳамкорлик доирасида ривожланаётган мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган беморлар ва ногирон болаларни Германия клиникаларида даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланадилар. 2006 йилда 9 нафар бемор болалар Германия клиника-



ларида даволаниб қайтишди. Хозирги кунда эса 12 нафар бемор болалар мазкур Европа мамлакатида даволаниши давом эттирмоқда. Лойиҳа доирасида шу кунга қадар 87 нафар болалар Германия клиникаларида диагностика ва даволаниш учун юборилганлар. Шунингдек, жамғарманинг соғломлаштириш дастурларига мувофиқ Германиянинг халқаро ташкилоти томонидан ажратилган грант маблағлари доирасида тугма лаб танглай нуқсонли бўлган ўзбекистонлик ногирон болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида жами 120 нафар тугма лаб танглай нуқсонли бўлган ногирон болаларда 8.500.000 сўм маблағ доирасида жарроҳлик операциялари амалга оширилди.

Шуни таъкидлаш керакки, жорий йилнинг 26 июнь, 2 июль кунлари Германиянинг мазкур халқаро хайрия ташкилотининг делегация аъзолари ўзбекистонлик бемор болаларни Германия клиникаларида даволаш мақсадида тиббий қўриқдан ўтказиш учун пойтахтимизга ташриф

буюрдилар. Делегация аъзолари жамғарма вакиллари ва соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари билан ҳамкорликда республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 450 нафарга яқин бемор болаларни тиббий қўриқдан ўтказиб, шулардан 40 нафарга яқин болаларни қайта текширувдан ўтказиш мақсадида ташлаб олдилар. 30 июнь кунини эса делегация аъзолари Тошкент шаҳрида бемор болаларни жамғарманинг «Тиббий-ижтимоий маркази»да тиббий қўриқдан ўтказдилар ва Германия клиникаларида даволанишга муҳтож бўлганларини ташлаб олдилар.

Аббатта фарзандларимизнинг саломатлигини сақлаш, уларни келгусида ҳар томонлама баркамол, жисмонан бақувват, соғлом қилиб тарбиялаш ҳаммамизнинг бурчимиз. Зеро, фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур. Мустақил Ўзбекистонимиз келажаги мана шу жажж фарзандларимиз қўлида экан, уларни билимли, соғлом ҳамда Ватанга содиқ инсонлар қилиб вояга етказишимиз лозим.

Гулором ҲАМИДОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИгини муҳофаза қилиш, турли хил касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича жуда кўп шифо масканлари, клиникалар, санаторийлар фаолият юритмоқда. Жумладан, пойтахтимизда кўп йиллардан буён халқимиз саломатлигини тиклашда муносиб ҳисса қўшаётган шифо масканларидан бири бўлмиш Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институти (кўпчилик бу жойни Семашко деб атайди) ни яхши биламиз.

Даволаш масканларида

ШИФО ОЛИБ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИЛАР

—Пойтахтимизнинг сўлим гўшасида жойлашган, соя-салқин дарахтлар билан ўралган мазкур институт илгари Республика тиббий тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти деб номланган эди. 2006 йил 18 октябрда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 449-буйруғига асосан у Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институти деб номланди,— дейди мазкур институт директори Анис Аляви.—Институтнинг асосий мақсад ва вазифалари — даволаш хизматини янада ривожлантириш, ички касалликлар ва тиббий реабилитация соҳаси бўйича кадрлар салоҳиятини ошириш, илмий-амалий ҳамда ташкилий-услубий ишларни мукамаллаштириш ва ижросини таъминлаш, ички касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш, даволаш, тиббий реабилитация соҳаси бўйича замонавий тиббий технологияларни амалиётга татбиқ этган ҳолда янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда исботли тиббий таъминотларига асосланб ички касалликларни ташхислаш, даволаш, тиббий реабилитация қилиш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш ва бошқа шу каби вазифалардан иборат. Бугунги кунда институтда жами 400 та даволаш ўрни мавжуд бўлиб, шулардан 240 ўрин катталар учун, 160 ўрин эса болалар учун мўлжалланган. Бу махсус бўлимларда республикамизнинг ҳамма вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган беморлар даволанишади. Шунингдек, жойини, йил давомида клиникада 9 мингдан ортиқ катталар ва болалар шифо топиб, ўз уйларига қайтишади. Бу шифо масканига бемор болаларнинг 100 фоизи, катталарнинг 20 фоизи махсус ордер билан келишади. Шунингдек, институт

клиникаларида ҳўжалик ҳисобида ишловчи бўлимлар мавжуд бўлиб, улар беморларга белгиланган тартибда пуллик хизмат кўрсатади. Институтда ҳозирги кунда 7 нафар фан доктори, 20 дан ортиқ тиббиёт фанлари номзодлари ва олий тоифали шифокорлар беморлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг олқишу раҳматига сазовор бўлишмоқда.

—Илгари мамлакатимизда алоҳида терапия институти йўқ эди. Мана эндиликда янги номда фаолият бошлаган институтимизда бизнинг имкониятларимиз кўпайиб, оғир ахволдаги беморлар ҳам қабул қилинади, улар дори-дармонлар билан ва бошқа зарур реабилитация усулларини кенг қўллаш асосида даволанадилар. Айни кунда клиникада куйидаги йўналиш бўйича, яъни кардиология, пульмонология, умуртка ва таянч ҳаракат аъзолари, гастроэнтерология, кардиocerebral патология бўйича беморлар даволанадилар ҳамда илмий изланишлар олиб борилади,— дейди мазкур институтнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Акбар Абдуллаев сўхбатимизга қўшилиб.—Клиникада илмий асосланган йўналишларда энг замонавий тиббиёт ускуналари бўйича текшириш асосида беморлар текширувдан ўтказилади ва ташхис қилиб даволанадилар. Ушбу йўналишлар бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борилади ва уларнинг натижаси жойларда кундалик амалиётга татбиқ этилади. Клиникада кардиореабилитация бўлими ҳамда кардиология, пульмонология, гастроэнтерология, артрология, кардиocerebral патология, шунингдек юрак хасталиклари билан касалланган беморларни реабилитация қилиш бўлими мавжуд. Айниқса шифо масканимизда ҳозирги замон талабига жавоб берувчи тиббий

аппаратлар беморларга тўғри ташхис қўйиш ва ўз вақтида уларни даволашда катта ёрдам бермоқда. Булар ўпка тизими касалликларида патологик ўзгаришларни аниқловчи спирометр, бош миёдага патологик ҳолатларни аниқловчи компьютерли реэнцефалограф, электроэнцефалограф, бош миёдаги қон томирларни аниқловчи компьютерли доплерограф сингари аппаратлардан иборат. Бундан ташқари беморларни текширишда клиник лаборатория, рентген ва эндоскопия кабинетлари ҳамда замонавий иммунофермент ва биохимия анализаторларидан кенг қўлланилади. Шунингдек, институтдаги мавжуд шиғобошх ёр ости суви беморлар дардига малҳам бўлмоқда... Институтда яқинда ҳўжалик ҳисобидаги маълумот поликлиникаси ўз ишини бошлади.

Клиниканинг болалар бўлимини ҳам қўздан кечирарканмиз, бу бўлимдаги саранжом-саришталик, озодлик, тартиб-интизом яққол намоён бўлиб турарди. Бу ерда турли хил сув муолажалари, сув ҳаваси, даволаш ваннаси, ультра нур билан даволаш, маданий дам олиш хоналари болалар билан гавжум эди. Болалар ҳам бу масканда даволаниб, ҳам марроқли дам олаётганликларини мамнуният билан изҳор этишди.

Ҳа, халқимиз саломатлигини сақлашдек шарафли вазифани сийдиқилдан адо этаётган Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институтининг оқ халатли, қўли энгил шиғокор хамшираларининг меҳнатли таҳсинга сазовор эканлигига амин бўлдиқ. Зеро, халқ саломатлигини асрашдек эзгу ва машаққатли ҳамда шарафли касб соҳиблари ҳаммиза элимиз ардоқчидалар.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Республика даволаш ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институти фаолиятдан лавҳалар.

Равшан Шокиров олган суратлар

Сўраш, жавоб берамиз

ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР МАВЖУД?

— Ҳурматли тахририят ходимлари. Мен уч йилдан буён сил касаллиги билан оғриб, даволаниб келяман. Сил касаллигига чалинган кишилар қандай имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин? Шу ҳақда газетанинг «Саломатлик — туман бойлик» саҳифасида маълумот беришингизни сўрайман.

Ф.Одилов, Бектемир тумани.

— Сил касаллиги билан оғриган беморлар касаллигининг хусусиятлари, белгилари ва қилинаётган даво-муолажалар ҳақида шиғокордан тўлиқ маълумот олишга ҳақлиқидилар. Шунингдек, маҳаллий бюджет ҳисобидан ихтисослаштирилган санаторийларда даволаниш ҳуқуқига эгалар. Бундай кишилар қонунга биноан иш жойи ва лавозимда ишни давом эттиридилар, ўқиб, қайта таълим олиб, касбини ўзгартириши, касаллигининг оғир турларида бемор ётоқхона ёки коммунал уйда яшаса, қонунга биноан алоҳида уй-жой билан таъминланиши мумкин.

Сил касаллигига чалинган шахсларнинг болалари мактаб, интернет, санаторийлар ва соғломлаштириш муассасаларига навбатдан ташқари қабул қилинади. Бу хасталик билан оғриган болаларнинг даволаш муассасаси ёки санаторийда ўқишни давом эттиришига зарур шарт-шароитлар яратилади. Касалликни даволаш, маслаҳат олиш ёки профилактик қўриқча қақчилган беморлар ва уларни қўзғувчи шахслар маҳаллий транспортда бепул юриш ҳуқуқига эгалар. Сил касаллиги бедаво эмас, буни сира унутманг.

КИШИЛАР ЎРТАСИДА ТАРҚАЛГАН ПЕС (ВИТИЛИГ) КАСАЛЛИГИ ИНСОНЯТГА ЖУДА ҚАДИМДАН МАЪЛУМ БЎЛИБ, КЎП АСРЛАР ДАВОМИДА ИНСОНЛАР УНИ МОҲОВ КАСАЛЛИГИ БИЛАН АДАШТИРИБ КЕЛГАНЛАР. ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, БУ ИККИ КАСАЛЛИК ЎРТАСИДА УМУМИЙ ҲОЛАТ ЙЎҚ. ПЕС КАСАЛЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ КЎП АСРЛАРДАН БЕРИ ЎРГАНИБ КЕЛИНАЁТганлигига ҚАРАМАЙ, ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА НАФАҚАТ АҲОЛИ ЎРТАСИДА, ҲАТТО ШИҒОКОРЛАР ОРАСИДА ҲАМ УШБУ КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛА БЎЛМАСЛИГИ ҲАҚИДАГИ ТУРЛИ-ТУМАН ФИКРЛАР МАВЖУД ЭДИ.

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИДАН Фойдаланиб

Биз пес (вителиги), экзема, псориаз, терининг замбуруғли касалликлари билан кўп йиллардан бери илмий тарзда шуғулланиб келаятган мамлакатимиздаги таникли дерматовенеролог, тери-таносил касалликлари бўйича 160 дан зиёд илмий мақолалар, 30 та услубий қўланма, 9 монография, тиббиёт институти ва клиникалари дарслиги муаллифи, «Вителиги» монографиясининг ҳаммуаллифи, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Республика тери-таносил касалликлари илмий-текшириш институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент врачлар малякисини ошириш институти «Тери ва таносил касалликлари» кафедраси мудири Саидқосим ОРИФОВДАН пес касаллигининг келиб чиқиши ва ушбу касаллик тарқалган минтақалар, шунингдек, уни даволаш усуллари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

—Мамлакатимиз аҳолиси сизни дерматология ва венерология соҳасида кўзга кўринган мутахассис сифатида яхши билади. Шу билан бирга сиз пес (вителиги) касаллигининг клиник кечилиш, патогенези ва уни даволаш усуллари билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келмоқдасиз ва илмий тадқиқотларингиз натижасида аниқ хулосаларга келгансиз. Пес касаллигининг келиб чиқиши ва унинг оқибатла-

ри ҳақида сўзлаб берсангиз.

—Касаллиқнинг келиб чиқишига ирсий мойиллик, нотўғри овқatlanиш, мижоз бузилиши ҳамда кучли руҳий зўриқиш, турли гелиминитлар (организмда паразитлик қилувчи курт ва гижжалар) ҳам сабаб бўлади.

—Тиббиётда пес (вителиги) касаллиги кишида неча ёшда бошланиши ёки аввга чиқиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар борми?

—Кўпчилик олим ва мутахассисларнинг фикрича, аксарият беморларда вителиги йилгирма ёшгача бошланади. Шу билан бирга ушбу хасталик 5-10 ёшда бошланиши мумкин деган маълумотлар ҳам йўқ эмас.

—Республикамиз аҳолисининг неча фоизи пес касаллиги билан оғрийдми? Умуман ушбу касалликни дунё аҳолиси ва мамлакатимиз аҳолиси ўртасида тарқалиши ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

—Мутахассис шиғокорларнинг фикрича, республикамиз аҳолиси орасида 1,2 фоиз киши мазкур касаллик билан касалланган. Айрим хорижий мутахассис—муаллифларнинг фикрича, дунёда аҳолининг салкам бир фоизи пес (вителиги) касаллиги билан хасталанган.

публикаси аҳолиси ўртасида тери касалликлари, шу жумладан пес касаллиги тарқалганлиги ўрганиб чиқилди. Натижада аҳоли ўртасида вителиги билан касалланганлар 1,2 фоизни ташкил этиши аниқланди.

—Халқимиз орасида пес (вителиги) касаллигини юқумли ва ушбу дард тузалмас, деган фикр юради. Илмий тадқиқотларингизда мазкур касаллиқнинг келиб чиқиши, уни даволаш усуллари ҳақида муайян фикрларни билдиргансиз.

—Биласизми, вителиги касаллиги ўта мураккаб бўлиб, бунда фақат тери эмас, балки инсоннинг бошқа аъзолари ҳам шикастланади. Энг аввало, ушбу касалликка дучор бўлган инсон руҳан азоб чекади. Киши баданидаги оқ доғлар унинг руҳига «қора қўланка» солади. Бемор ўзини бошқалардан олиб қоча бошлайди. Узгаларга илоҳи борича кўринмасликка ҳаракат қилади.

Сир эмас, бу касалликни даволаш жараёни жуда узоқ давом этади. Ундан халос бўлиш эса бемордан ҳам, шиғокордан ҳам катта сабртоқат талаб қилади. Биохимия, морфология ва иммунология соҳасида олиб борилаётган йилрик тадқиқотлар меланоцитларнинг биологияси, ультра тузилиши ва амал қилиши ҳақида чуқурроқ билимга эга бўлиш имкониятини яратиб берди ҳамда даволашнинг мавжуд усуллари тақомиллаштиришга асос бўлди. Натижада вителиги касаллигининг бедаволиги ҳақидаги фикрлар ўз-ўзидан орта чекинди.

Ҳозирги пайтда бу касалликни даволашнинг янги усуллари борасида илмий изланишлар давом этмоқда. Шунингдек таъкидлашни истардимки, ушбу касаллик юқумли бўлмай, уни даволаш мумкин. Бу дардининг давоси сабртоқат ва мақсадли муолажалардир. Токи оқдоғлар киши руҳиятига ўзининг «қора қўланка»сини солмасин!

—Қизиқарли ва мазмунли сўхбатингиз учун ташаккур. Шавкат ЁҚУБОВ сўхбатлашди

ЯПОНИЯ «БҲЮК ИПАК ЙЎЛИ»НИНГ ТИКЛАНИШИ ТАРАҒДОРИ

СЎНГИ БИР НЕЧА ЙИЛ ДАВОМИДА ЯПОНИЯДА «БҲЮК ИПАК ЙЎЛИ» МАВЗУСИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИНГ НИҲОЯТДА ЎСИБ БОРАЁТгани КУЗАТИЛМОҚДА. ШАРҚ ВА ҒАРБ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДА МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР ВА ИЛМИЙ АЛМАШИНУВГА БЕБАҲО ҲИССА ҚЎШГАН БУ КЎҲНА САВДО ЙЎЛИНИНГ СИРЛИ ВА ҒАРОЙИБ ТИМОЛИ КЎПЛАБ ЯПОНИЯ ФУҚАРАЛИРИНИНГ ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ҲАҚИДА ТУРМОҚДА.

Буюк Ипак йўлини оммалаштиришда Кункирак юртда ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар катта аҳамият касб этаётир. 2005-2006 йилларда Япониянинг турли префектура ва шаҳарларида «Буюк Ипак йўли ва унинг мероси» кўргазмаси зўр муваффақият билан яқунланди. Бундай тадбирларни Япониянинг «Кураторс» компанияси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этди. Екоҳама шаҳридаги Евроосиё маданият музейида Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасида ўзаро маданий алмашинувнинг бой мероси ҳамда Шарқ ганжиналари — Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги бетакор тарихий ёдгорликлар тасвирланган «Ўзбекистон мовий ёдуси» кўргазмаси давом этмоқда.

Қайд этиш жоизки, «Буюк Ипак йўли» мавзуси Япониянинг етакчи оммавий ахборот воситаларида фаол муҳофизага этилмоқда. Шу кунларда Япониядаги йилрик ННҲ телерадиокомпаниясининг «Буюк Ипак йўли» мамлакатлари ва халқлари замонавий ҳаётга бағишланган туркум кўрсатувлари намойиш этилаётир.

«The Japan Times» газетасининг шу йил 24 июнь сонида «Янги Ипак йўли» сарлавҳали бош мақола чоп этилди. Унда таъкидланишича, улкан Евроосиё маконини қамраб олган ҳудудни кесиб ўтган ушбу саवдо йўли 2000 йил давомида жаҳон савдосини қўллаб-қувватлаб келган ва халқлар ўртасида ўзаро маданий ҳамда иқтисодий ўзаро алмашинувга имкон берган. Шу маънода у инсоният эришган барча рекордларни ортада қолдирган.

Мақола муаллифларининг фикрича, ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатлар Буюк Ипак йўлининг жуда жоизбали йўналишларини қайта тиклаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бормоқда.

Газета Японияда Буюк Ипак йўлининг ўсиб бораётган оммалашувини шарҳлар экан, бу кўҳна йўл тарихини ҳар томонлама тадқиқ этиш японияликларга ўз тарихий илдизини чуқурроқ англаб етишига имкон беришини қайд этади. Шу босис мақолада Осиё ва Европа мамлакатлари билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга имкон берувчи Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш жараёнида Япониянинг янада фаол ролини таъминлашга қаратилган қақриқлар аниқланган. Зарур воситаларни излаб топишнинг усулларидан бири сифатида қадимий «Буюк Ипак йўли» йўналишларидан йўллар ва кўприклар қуришга қаратилган лойиҳаларда иштирок этиш, бунинг учун эса мамлакатда ортиқча транспорт-коммуникация инфраструктураларини қуришга маблағ ажратишни қисқартириб тақлиф этилади.

«Буюк Ипак йўлининг тикланиши Япониянинг маънавий ва маданий бойлигига имкон беради, мамлакатнинг халқаро нуфузини оширади, энг муҳими, улкан Евроосиё маконига маданий ва иқтисодий интеграциялашув учун мустаҳкам асос яратяди», деб таъкидланади мақолада.

Бундай таъкидларга тўлақонли шубҳа билан қаровчиларга мурожаат қилиб, нашр шундай ёзади: Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши аждодлар изидан боришни ва дунё мўъжизаларидан баҳраманд бўлишни истовчи миллионлаб сайёҳлар учун ўзига хос марказга айланади. Бу гоёнинг амалга оширилиши умумбашарий уйғунликнинг, ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик белгиси сифатида инсоният тафаккурининг тантанасини англатади.

Буюк Ипак йўли қадриятлари нафақат ўтмишни, балки бугунни ҳам қамраб олгандир. Бутун Осиё, Яқин Шарқ ва Европа бўйлаб ўтувчи бу куруқлик йўли инсониятнинг беқиёс муқдидир. Ушбу лойиҳанинг иқтисодий асосланганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, транспорт инфратузилмаси мавжудлиги шароитида ер усти транспортда юк ташвиш сарф-ҳаражатлари 20 фоизга арзонлашади.

Шунингдек, «The Japan Times» бу каби лойиҳалар БМТ томонидан умумбашарий тараққиёт юзасидан қабул қилинаётган савий-ҳаракатлар доирасида қўллаб-қувватланишига эришиш мумкинлигига ҳам ишонч билдиради.

«Жаҳон» АА Токио

Санъат

ХАМКОРЛИКДАГИ СПЕКТАКЛЬ

ЛОНДОНДАГИ «БЛОВ ОП» ТЕАТРИ САҲНАСИДА «ИНГЛИЗЧА ЛЮБКИЙ» ДЕБ НОМЛАНГАН ҚУВНОҚ СПЕКТАКЛНИ ПОСТАНОВКА ҚИЛИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Инглиз ёзувчиси Пьер Дединг шу номли романи асосида яратилаётган бу асар Тошкентдаги «Илҳом» театри актёрлари билан биргаликда юзага келади.

Театрлар ҳамкорлигидан олиб борилаётган жиддий изланиш ҳам икки шаҳар актёрлари ўртасида ўзаро яқин иждоий муносабатни яратишда муҳим босқич бўлади.

Янги спектаклнинг репетицияси ўз навбатида Тошкентда давом эттирилади. Британия Кенгаши қўллаб-қувватлаши билан саҳна юзини кўрадиган бу постановка томошабинларга яхши совға бўлади.

ДУСТИК ТАРОНАЛАРИ

РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИГИДА КОНЦЕРТ ТОМОШАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида уюштирилган мусиқали кеча ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Унда опера санъати усталари ҳам ўз ижрочилик маҳоратларини кўрсатдилар. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчионаси, Ўзбекистондаги рус маданияти маркази ва бошқа қатор муассасалар ташаббуси билан ташкил этилган бу дастурдан «Тошкент ҳақида қўшиқ», «Мен сени севаман, Россия» каби тароналар ҳам ўрин олди.


«ТАВБА»НИНГ САҲНАВИЙ ТАДҚИНИ

РЕСПУБЛИКА ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ ЎЗ МУХЛИСЛАРИНИ ЯНА БИР ПОСТАНОВКА БИЛАН ХУШНУД ЭТДИ.

Машҳур рус шоири Михаил Лермонтовнинг «Тавба» деб номланган шеъринг асари асосида саҳналаштирилган бу спектакль ўзининг режиссураси билан ҳам томошабинлар эътиборини тортиди.

Маннон Уйғур номидagi Тошкент Давлат санъат институтининг истеъдодли дипломанти Ева Блиннова томонидан саҳналаштирилган мазкур постановкадаги саҳна безаклари ҳам асар мазмунини бойитишга хизмат қилди.

Ақбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

Ёки қайноқ ошни ич деб қистагай,
Ё бузук кўприкни кеч, деб қистагай.

Бўлмаса кўнгилда бир фикру ғараз,
Кексани бир кимса эъзоз айламас.

Кекса бир пастнинг саломин олгуси,
Оқибат андин балога қолгуси.

Гарчи қашқир беомондир, раҳми йўқ,
Қинғир эрмас, кўнгли тўғри, мақри йўқ.

Йўқса ул бўлғайму эрди банди дом,
Мақру ҳийла одамийга хос тамом.

...тутун бор жойда ўт бўлмай ҳамон.

...кўнгиладин кўнгилга роҳ эрур.

Йўлки бўм-бўш эрса, бир хангома йўқ.

Баъзи хомлар илқида табулу алам,
Дейдиларким, биздадир фақру адам.

Лофу шайхлик бирла айтурлар ўғит,
Кўрсатурлар ўзни гўё Боязид.

Чақмагунча тош била пўстини, ҳай,
Писта, ёнғоқ ҳам ичин кўрсатмагай.

Юзда акс этган кўнгили туйғусидир,
Юз, демишларким, кўнгили кўзгусидир.

Шар ила доим қоришгандир башар.

Гоҳи кўнгилга гумонлар ёприлур,
Аслида сидқу ҳақиқат эрмас ул.

Тўғри сўз—нурдир, кўнгили тинчитар,
Ҳар нечук ёлгон уни нотинч этар.

Гар киши тушса ғазабга, бул аниқ,
Дейди: зуд этсам жазога мустаҳик.

Кўрқадир қахру ғазаб ўтгай дебон,
Интиқон завқи кечиб кетгай дебон.

Иштаҳа чин эрса, оз-оздин емоқ—
Жои эрмишким, ҳазм бўлмай томоқ.

Чораи дафъи бадо эрмас ситам,
Чораи дафъи бало—афву карам.

Шоҳ деди: лутфи азалдир яхшилик,
Ўрнида эрса, гўзалдир яхшилик.

Лутф бор жойда жазо ҳам бўлгуси.

Ҳар неким ўрнида эрса, адл эрур,
Зулм ўлур ўрнида эрмас эрса ул.

Гоҳи калтак дори-дармондир анга,
Гоҳи ҳалво офати жондир анга.

Базму зиндон ёнма-ён, ҳамроҳ эмиш,
Яхшига базму ёмонга чоҳ эмиш.

Кенгашинлар, деб буюрди бизга ул,
Кенгашиб этсанг, хато кам-кам бўлур.

Чунки оқиллар—чароғи шан эмиш,
Бир ақлдин ўн ақл равшан эмиш.

Сўз-да дўстликдин нишона бўлгуси,
Гар сукут эрса, ризолик белгиси.

Не эмиш ошиқда ўй, ошиқ фақат,
Не эмиш Узрода ўй, Вомиқ фақат.

Ким бўлибмиз шу жаҳонда, ўйла сен.

Нася нондан нақд муштум менга хуш.

Оч кўзинг, жону жаҳоним, турмагил,
Дам ганимат, нақдни кўлдан бермагил.

Гар ариқ бўйида яшнаб турса гул,
Маълум ўлғайким, тўлодир сувга ул.

Тунда ёмғир ёғса, кўздандир ниҳон—
Ки, ҳама уйқуда бўлмай ул замон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Харакат хавфсизлиги ойлиги


Йўлларимиз БЕХАТАР БЎЛСИН

КЕКСАЛАРИМИЗ ДУОГА ҚЎЛ ОЧАР ЭКАНЛАР: «РИЗҚУ НАСИБАНГ БУТУН, ЙЎЛЛАРИНГ БЕХАТАР БЎЛСИН» — ДЕЙДИЛАР. АЛБАТТА. БУ ИБРАТЛИ ҲАҚИҚАТ ЗАМИРИДА ШАРҚОНА ФАЛСАФА, ЭЗГУЛИК ТИЛАШДЕК ФАЗИЛАТ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ФАРЗАНДЛАР КЕЛАЖАГИГА ҚАЙГУРИШ, УЛАРНИ СЕРГАКЛИККА ЧАҚИРИШДЕК ОЛИЖАНОБЛИК ЭТАДИ.

Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 июндаги, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 17 июндаги фармойишларига асосан жорий йилнинг 15 июндан 15 июлига қадар Республикада «Харакат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Хозирда алоҳида режаларга асосан ИХХБ раҳбарияти ҳамда бўлим ва бўлимлари етакчилари иштирокида давлат, жамоат ташкилотларида учрашувлар ташкил этилиб, фуқаролар билан ҳаракат хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидалари, йўлларда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида суҳбатлар ўтказилмоқда. Худди шу тарздаги учрашувлар

Шайхонтохур туман ҳокимлигида ўтказилди. Унда тумандаги 49 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, йўл ҳаракати хавфсизлиги мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Тадбирда сўз олган Шайхонтохур туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Жуманазар Жонибеков, Тошкент шаҳар ИИББ ИХХБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан мулоқотда бўлиш бўлими бошлиғи, майор Зоир Сайдалиев, ушбу бўлимга инспектори, капитан Бобур Мўминовларнинг ойликни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар, бу борадаги ҳуқуқ қарорларининг мазмун-моҳияти

ҳақида тўхталиб ўтишди. Таъкидланганидек, ойлик давомидаги ишлар фақат мутасадди ташкилотларнинг зиммасида бўлиб қолмаслиги керак. Бу борада маҳалла-мактаб-оила концепциясини йўлга қўйиш керак. Шу нуктаи назардан ҳозирда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси тузилиб, транспорт ва пиёдалар, болалар серкатнов бўлган йўллар кўриқдан ўтказилмоқда, аниқланган камчиликларни бар-тароф этиш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, шахримиз кўчалар



рида ҳаракатланаётган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан кўшма режалар ишлаб чиқиш, шахримиздаги мавжуд мактаблар худудларида ташкил этилган

36 та ёзги болалар оргоҳларида ҳаракат хавфсизлиги майдонлари, бурчаклини ташкил этиш борасида ишларга алоҳида эътиборратилмоқда. **Хидирали ПАНЕВ СУРАТДА: тадбирдан лавҳа. Б.Мўминов олганрат**

Футбол

САФАРДАГИ ҒАЛАБА

ТЕЗ КУНЛАРДА ЎТКАЗИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНАЁТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАётган РАУФ ИНИЛЕВ БОШ МУРАБИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ САФАРДА ИРОКЛИК ЧАРМ ТЎП УСТАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА КУЧ СИНАШДИ.

Осиё чемпионатида со- вринли ўринларни эгаллаш- ни истаётган терма жамоа- миз майдонда мезбонларга

караганда анча яхши уйин намойиш этди. Рақиб дар- вазаси томон уюштирилган хавфли ҳужумлар самара берди. 90 дақиқа давом эт- ган баҳс 2:0 ҳисобида ўзбе- кистонликлар ғалабаси билан якунланди. Дарвозага тўпларни Азиз Ибрагимов ва Улуғбек Бақоевлар йўллаш- ди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

«02»: ҲОДИСАЛАР

●Ҳеч қарерда ишламайдиган, олдин судланган, Сергели ту- манида яшовчи 17 ёшли Рус- там Р. шу туманда жойлашган автокорхона омборхонасидан 400.000 сўмлик автоулус эҳти- ёт қисмларини ўйраб кетган. Йўқолган эҳтиёт қисмларини пайкаган навбатчи механик дарҳол Сергели туни ИИБ на- вбатчилик қисмига хабар бер- ган. Олиб борилган тезкор кидирув ишлари натижасида, профилактика инспектори то- монидан гумонланувчи Рустам хибсага олинди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғати- лган.

●Мирзо Улуғбек тумани жи- ноят кидирув тезкор ходимла- ри томонидан муқаддам суд- ланган, ҳеч қарерда ишламай- диган, Тошкент шаҳрида яшов- чи 30 ёшли Алишер Я. хибсага олинди. Гап шундаки, гумон- ланувчи Алишер бозордан гу- воҳнома бланкисини сотиб олиб, унга ўзининг фотосура- тини ёпиштириб, «Тошга» но- зир А.Юлдашев исмини ёзиб, ушбу қалбаки гувоҳномадан та- лончилик, ўғрилик, фирибгар-

лик жиноятларини содир этиш- да фойдаланиб келган. Кўрил- ган тезкор чора-тадбирлар на- тижасида Алишер навбатдаги товламачилиги устида тезкор ходимлар томонидан қўлга олинди. Ундан далилий ашё сифатида А.Юлдашев номига «Тошга» ноизи деб ёзилган қалбаки гувоҳнома олинди. Жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

●Миробод туманида яшов- чи, ҳеч қарерда ишламайдиган, олдин судланган 33 ёшли Ан- вар М. қўп қаватли уй олдида фирибгарлик йўли билан Тош- кент шаҳрида яшовчи 20 ёшли Азиз Қосимовнинг ишончига кириб, «арзон нарҳда «Матиз» автоуловини сотиб олишда ёрдам бераман» деб алдаб, 300.000 сўмлик «Нокия» уяли телефон апаратыни олиб, «Иш юзасидан кимгадир кўнгирик қиламан» деб, шу қўп қаватли уйнинг йўлакчасига кириб, орқа томондаги ўйлакча эшигидан чиқиб, қочиб кетган. Буни сез- ган жабранувчи Азиз дарҳол Миробод туман ИИБга хабар берган. Кўрилган тезкор чора-

тадбирлар натижасида, йўл- патруль хизмати ходимлари то- монидан гумонланувчи фириб- гар Анвар қўлга олинди. Тер- гов ишлари олиб борилмоқда.

●Юнусобод туманида яшов- чи, ҳеч қарерда ишламайдиган 37 ёшли Н.Айдарова тегишли бўлган «ВАЗ-2105» русумли ав- тоуловни маълум муддатгача бошқарув ҳуқуқини берувчи ишончнома билан ижарада бо- шқариб юрган, ҳеч қарерда иш- ламайдиган, Наманган вилоя- тда яшовчи 44 ёшли Аббор Адашев, текин даромад топиш мақсадида, автомашина эгаси номидаги сотиш ҳуқуқини бе- рувчи ишончнома калбаки- лаштирган ҳолда автомашина- ни олиб қочиб кетиб, уни На- манган вилоятда сотиб юбор- ган. Автомашина эгаси, жаб- ранувчи Н.Айдаров бу ҳақда ички ишлар идораларига му- рожаат этгандан сўнг, олиб бо- рилган тезкор кидирув тадбир- лари натижасида ушбу жино- яти содир қилган Аббор Ада- шев хибсага олинди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзға- тилган.

Юлдуз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш режаси- га мувофиқ «3» индексли рақамли телефонларни «2» индекслига алмаштириш иш- лари давом этмоқда. 2007 йил 3 июндан бошлаб бир ҳафта давомида ҳар кўни **соат 00.00дан соат 08.00 гача (Тошкент вақти билан)** Тошкент шаҳрида қуйида берилётган жадвалга мувофиқ 3980000-3989999 рақамларини 2480000-2489999 га алмаштириш бўйича иш- лар амалга оширилади. Ушбу ишлар давомида 3980000-3989999 рақамли абонентлар- да телефон алоқаси ишламайди.

Муддат	Эски рақамлар	Янги рақамлар
2007 йил 3 июль	3980000-3980719	2480000-2480719
2007 йил 4 июль	3980720-3982143	2480720-2482143
2007 йил 5 июль	3982144-3983567	2482144-2483567
2007 йил 6 июль	3983568-3984991	2483568-2484991
2007 йил 7 июль	3984992-3986415	2484992-2486415
2007 йил 8 июль	3986416-3987839	2486416-2487839
2007 йил 9 июль	3987840-3989279	2487840-2489279

Эскича тартибда рақам териш: 371398xxxx
Янгича тартибда рақам териш: 371248xxxx
Ўзгартириш бўйича маълумотлар юзасидан қуйидаги телефонларга муурожаат қилинг:
3711355018, 1351052, 1352064.

Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани ҳокимиятининг 1999 йил 1 июлдаги 936-сонли қарори билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети давлат рўйхатига олинган ИНН, ОКПО гувоҳномалари ва ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗБЕК ИСМОҲ РАЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРАТИ

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаи кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга оқори м-лакали мутахассислар танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Кафедра мудирлари (профессор, доцент, фан номзоди);
—Хореография кафедрасига;
—Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедрасига.
- Доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (хореография кафедрас- га);
—Замонавий эстрада рақсидан дарс бериш назарияси ва у- луби (хореография кафедрасига);
—Ўзбек рақсидан дарс бериш назарияси ва услуби.
- Доцент, фан номзоди, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ижтимои- гуманитар фанлар кафедрасига);
—Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистонда демократик жамият қури назарияси ва амалиёти, Миллий истиқлол ғояси.
Иқтисодиёт назарияси, информатика, менежмент ва марк- тинг, диншунослик, маънавият асослари, ҳуқуқшунос, социол- гия, политология, француз тили (ўзбек ва рус тилларида маъ- залар ўқийдиган).
Ҳужжатларни (ариза, шахсий варақаси расм билан, илмий д- ража, илмий унвон ва маълумоти ҳақидаги дипломлар нусхал- ри, илмий ишлар рўйхати) қуйидаги манзилга тақдим этиш му- кин:
700031, Тошкент-31, Юсуф Хос Ҳожиб (собик Педагоги ческая) кўчаси-31, Хореография Олий мактаби.
Телефонлар: 153-37-06, 153-33-59, 153-24-36 (факс)
ҲУЖЖАТЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАНИДАН СЎНГ БИР ОЙ ДАВОМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 606

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефони муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-у

1 2 3 4

Топширилган вақти: 12:10